

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Сизни ва Сизнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан ўзим ва Озарбайжон халқи номидан самимий муборакбод этаман.

Қардош Ўзбекистоннинг мустақиллик ва давлатчилигини мустақамлаш йўлидан дадил бораётгани, ижтимоий-иқтисодий ва маданият соҳаларида эришган муваффақиятлари бизни ғоят қувонтиради.

Озарбайжон ва Ўзбекистонни азалдан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари боғлаб туради. Ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлашга асосланган муносабатларимиз халқларимиз иродаси билан бундан буён ҳам ривожланиб, янада мустақамлашиб боришига ишонаман.

Мухтарам Шавкат Миромонович, фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва барча Ўзбекистон мусулмонларига муборак Қурбон ҳайити муносабати билан самимий тилакларимни йўллайман. Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида давлат раҳбари лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ҳурмат билан,

Илҳом АЛИЕВ,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Сизга Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни йўллайман ва Ўзбекистон халқига янада равақ ва фаровонлик тилайман.

Сиз каби мен ҳам давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлаш тарафдориман ҳамда Франция тимсолида устувор шерикни кўраётганингиздан мамнунман.

Сўнгги ойлarda Франция ва Ўзбекистон муносабатларида янги суръат кузатилмоқда. Хусусан, бу жорий йил бошидан буён мамлакатларимиз ўртасида уч марта юқори даражада делегациялар ташрифи амалга оширилгани самарасидир. Бунда шахсан Сиз фавол иштирок этаётганингиздан хабардорман ва бунга юксак қадрлайман. Сиз Самарқанддаги лойиҳа юзасидан имзолаган қарор Франция тараққиёт агентлигига мамлакатингизда ўзининг илк муҳим фаолиятини амалга ошириш имконини беради. Бунинг учун Сиздан миннатдорман.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бета.

Сиз билан дастлабки амалий музокараларимизни ўтказиш учун Парижда учрашишдан хурсанд бўламан. Мазкур учрашув давлатларимиз терроризм ва иқлимнинг глобал ўзгариши каби умумий муаммолар билан тўқнаш келган бир пайтда сиёсий мулоқотимизни мустақамлашга хизмат қилади.

Ушбу учрашув, шунингдек, иқтисодий алоқаларимиз ривожига янги куч бағишлайди.

Шу билан бирга, маданият ва таълим соҳаларидаги ўзаро муносабатлар ҳам катта истикболга эга. Хусусан, Луврда кўргазма ташкил қилиш лойиҳаси, Тошкент шаҳридаги француз мактаби фаолиятини ривожлантириш, Самарқанд ва Бухоро шаҳрларида «Француз альянси» филиалларини очиш истиқболларини назарда тутаяпман.

Сизнинг дўстлик муносабатларимизни янада мустақамлаш йўлидаги ҳаракатларимизни фаол қўллаб-қувватлашингизга ишонаман.

Жаноб Президент, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Эммануэл МАКРОН,
Франция Республикаси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган: Япония Императори **Акихито**, Ўмон Султони **Қобус бин Саид**, Швеция Қироли **Карл Густав XVI**, Венгрия Президенти **Адер Янош**, Болгария Республикаси Президенти **Румен Радев**.

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чан Дай Куонг**.

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Халифа бин Зайд Ол Наҳаён**.

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазир, Дубай Амирлиги ҳокими **Мухаммад бин Рошид Ол Мактум**.

Бирлашган Араб Амирликлари Қуруллой кучлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди **Мухаммад бин Зайд Ол Наҳаён**.

Португалия Республикаси Президенти **Марсело Ребело де Соуза**.

Греция Республикаси Президенти **Прокопис Павлопулос**.

Чехия Республикаси Президенти **Милош Земан**.

Япония ҳукумрон Либерал-демократик партияси Бош котиби **Тошихиро Никан**.

Европа парламенти депутати **Фульвио Мартушелло**.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили **Питер Буриан**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 апрель куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига ташрифи чоғида Имом Термизий жомеъ масжидини реконструкция қилиш бўйича топшириқ берган ва Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев 1 сентябрь куни Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур марказ лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда муқаддас динимизни, уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда, Шеробод туманидаги Абу Исо Мухаммад Термизий, Қарши туманидаги Абул-Муъйин Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа қадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шуларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Ислом маданияти

маркази номини Ислом цивилизацияси маркази, деб ўзгартириш таклифини билдирди.

Лойиҳага кўра, ушбу марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёмалар фонди ташкил этилиб, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламолар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, видео ва фото ҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли конференция зали барпо этиш кўзда тутилган.

Биз аждодларимиз билан доимо фахрланиб келганмиз, деди давлатимиз раҳбари. Шундай экан, ўзимиз ҳам уларга муносиб бўлишимиз керак. Ташкил этилаётган марказда ҳам бунинг учун барча шароитларни яратиш, етук олимларни жалб қилиш лозим. Мазкур соҳага оид адабиётларни жамлаш, чет

элларда бўлса, юртимизга олиб келиш чораларини кўриш зарур. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги диний йўналишдаги тўққизта ўрта махсус ва иккита олий таълим муассасаси ҳам марказ иштироғига ўтказилади. Бу ерда сабоқ берадиган ўқитувчилар билими ва савиясига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Шавкат Мирзиёев марказ қурилиши бўйича тақдим қилинган лойиҳага алоҳида эътибор қаратди.

Бу марказ бизнинг ислом дини тарғиботидаги юзими бўлади. Шундай экан, унинг ташқи кўриниши, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳам эътибор қаратиш лозим. Одатдаги, кўзимиз ўрганиб қолган лойиҳалардан воз кечиб, янги шакл ва дизайн топишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Лойиҳаларда марказ қурилиши муносабати билан бошқа жойга қўйириладиган аҳоли учун барпо этиладиган янги замонавий уй-жойлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз аксини топган.

Президентимиз давлат ва жамоат ташкилотлари, Мусулмонлар идораси раҳбарияти, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

Абу Бақир ЎРОЗОВ,
ЎЗА мухбири.

Муносабат

ХАЛҚИМИЗ БИЗДАН НИМАНИ КУТАЯПТИ?

Энг аввало, виждонан, сидқидилдан меҳнат қилишни, ташаббус кўрсатишни!

Бутун мамлакатимиз бўйлаб Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик тантаналари кенг нишонланмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган байрам тадбирида сўзлаган нутқи, билдирган фикр-мулоҳазалари кенг жамоатчилик вакиллари, олимлар, нурунийлар, ёшлар, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, депутатларимиз томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда, таҳлил этилмоқда.



Нўрмонжон АКБАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



Акрам АКБАРОВ,
халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:



Ҳабибулла ОҚИЛОВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари ўз нутқида шу кунгача эришилган натижаларга эмас, кўпроқ келгуси вазифаларга эътибор қаратди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида аҳвол ижобий томонга ўзгарди.

Бироқ бу йўналишдаги ишларни, ислохотларни тизимли равишда давом эттириш талаб этилади. Бунга ҳамма бирдек ўз ҳиссасини қўйиши керак. Мана, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларга чиқиб, сайловчилар билан учрашиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни ўз кўзи билан кўриб, уларни ҳал этиш йўлларини қидирмоқда.

Эндиликда биз нафақат жойлардаги муаммоларни ўрганишимиз, балки, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ҳам ўз тақлифларимиз, ташаббусларимизни илгари суришимиз керак.

Президентимиз нутқида айтилган бир фикр ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Яъни, давлатимиз раҳбари «Халқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бутун кўриниш, улардан бутун баҳраманд бўлишни истайди», деди.

Бутун замон, давр шиддат билан ривожланиб бормоқда. Одамлар етакчилар, раҳбарлар, халқ вакили — депутатлар олдида янги-янги талабларни қўймоқда. Албатта, бу ҳақни талаб. Демак, ана шу талабга ўз вақтида жавоб бериш, мамлакат ривож, фарзандларимизнинг эртанги куни учун мустақам замин ҳозирлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

— Анжуманлар саройида ўтказилган тадбирда бевосита иштирок этдим. Очиғи, бу йил мустақиллик байрами алоҳида кўтаринкилик билан кутиб олинди. Чунки бутун мамлакатимизда тараққиёт, ривожланишнинг янги босқичи бошланган. Ҳар бир масалага бутунги талаб, бутунги нуқтаи назар билан ёндашилмоқда.

Президентимиз нутқида таъкидланган бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Яъни, республикада ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлиқини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши курашиш масаласидир...

Афсус ва надоматлар бўлсинки, ёшларимиз орасида узокни кўра олмайдиган, айрим ёт гоёлар, қарашлар таъсирига берилиб кетаётганлари ҳам учраб турибди. Агар оилада, маҳаллада соғлом муҳит қарор топса, одамлар бири биридан хабардор, кексалар ёшларга ибрат бўлса, фарзандларимиз орасидан бундайлар чиқмайди.

Агар мабодо ана шундай адашганлар орамизда бўлса, ҳеч қачон уларга беътибор бўлмаслигимиз керак. Энг асосий масала адашган, хатога йўл қўйганларни бундан тўғри хулоса чиқаришга ўргатишимиз зарур. Президентимиз бу масалада шундай деди: **Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган одамни «ёмон» деб четга суриб қўйсак, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш — бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.**

Демак, ёшлар тарбияси, жамиятдаги муҳит соғломлигига ким кўпроқ жавобгар? Албатта, нурунийлар! Биз бу масалада давлат органларига қўмакчи бўлишимиз, масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз керак.

ЎзХДП ҳаётидан

«ҲАР БИР ИНСОНГА МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИШ — БУРЧИМИЗ!»

Ўзбекистон ХДП Қарши туман кенгаши ҳамда партия гуруҳи аъзолари ҳамкорлигида ногиронлар, кам таъминланган оилалар аъзоларининг Шаҳрисабз шаҳридаги «Оқсарой» мажмуасига саёҳати уюштирилди.

Саёҳат давомида вилоятда олиб борилаётган бунёдкорликлар, Шаҳрисабз туманидаги ободонлаштириш ва қурилиш ишлари, тарихий қадимжолар тўғрисида атрофлича тушунтириш берилди.

Абубакр Некбоев, 2-гуруҳ ногирони, Бешкент қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежи ўқувчиси:

— Шаҳрисабз жуда чиройли бўлиб кетибди. Бу саёҳат темирйўллар сулоласи ва тарихи ҳақидаги тасаввуримни кенгайтди. Саёҳат учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Нодир РАЖАБОВ

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сергели туман кенгаши ҳамда туман маданият бўлими ҳамкорлигида «Green park»-истироҳат боғида мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб маънавий-матрифий тадбир ўтказди.

Унда партияимиз електорати бўлган ногирон ва пенсионерлар, шунингдек, ёшлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш, одамлар билан фикр алмашиш, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини ёш авлодга теран тушунтириш, уларни янги марралар сари руҳлантириш ҳақида фикр юритишди.

Шу кун концерт дастури ҳам намойиш этилди. Байрам муносабати билан фаол партия аъзолари ҳамда ҳамкор ташкилотларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Мирзоҳид ХИДИРОВ

Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш — бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАР ҲАҚИДА ЁЗДИ

Айни кунларда бутун дунё мусулмонлари қатори ўзбекистонлик ҳожилар ҳам ҳаж ибодатини адо этмоқда. Юртдошларимиз сафида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг борлиги барчанинг эътиборини тортмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу йил 72 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси имтиёзли равишда ҳаж сафарига юборилди. Тўқсондан ошиб, юз билан юзлашган пиру бадавлат нурунийларимизнинг ҳар бирига алоҳида шифокор ва оила аъзоларидан бир киши ҳамроҳ қилиб бириктирилди.

Бу Саудия Арабистони жамоатчилигида, ҳажга келган бошқа давлатлар вакилларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида маҳаллий матбуот нашрларида қатор мақолалар чоп этилди.

Масалан, «Уккоз» газетасида «Уруш қаҳрамонлари», «Макка» газетасида «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳожилар» сарлавҳали мақолалар эълон қилинди.

«Уруш қаҳрамонлари» мақоласида бундай дейилди:

«Уруш қаҳрамонлари». Уларни ўз юртида шундай аташади. Уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни улар учун байрамлар ташкил этилади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев уларга катта ҳурмат-эътибор кўрсатиб, бепул даволаниш, барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар бериш, томорқа ажратиш ва автомобиллар ҳада этиш каби хайрли ишлар қилмоқда».

«Уккоз» газетасининг махсус муҳбири Намим Ҳаким «Ўзбеклар фаҳри» Гитлерга қарши фронт жаҳалларидан Арофат майдонида етиб келди» сарлавҳаси остида бир неча бобларимиз ҳаётини хикоя қилди.

«Бундан 26 йил аввал мустақилликка эришган Ўзбекистонда бугунги кунда 1 минг 300 га яқин уруш фаҳрийси яшайди. Уларнинг ёши 90-108 атрофида. Одамлар уруш қатнашчиларини «Ўзбеклар фаҳри» деб эъзозлайди. Зеро, улар фашистлар армиясини тор-мор этишга улкан ҳисса қўшган. Берлингача бориб, душман устидан ғалаба қозонишда ўрнат қўрсатган ва ғалаба қунига етиб келган.

72 йил аввал туғалган бу урушда қатнашган қўлчилик вафот этди. Улардан жуда озчилиги ҳозир ҳаёт. Биз уларнинг тарихий ҳикояларини баён қиламиз, дейилди мақолада.

«Ленинград қамалидан омон чиққан аскар»
«Уруш фаҳрийси Йўлдош Турғунов 1941 йили Андижон вилояти Шахрихон туманидан кейинчалик номи Санкт-Петербургда айланган Ленинград фронтига жунаб кетди. 95 ёшли отанинг таъкидлашича, душман қўшинлари шаҳарни қарийб икки йил қамал қилган. Ленинград қамалининг туғиши Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш ясаган ва душман қўшинлари тор-мор бўлишни бошлагани».

Фаҳрий жаңгчи Турғунов уруш қаҳрамонларидан бири сифатида туғилган ватанига қайтди. Оилали бўлиб, уч ўғил ва тўрт қиз улғайтирди. 76 набири ва эвара унинг атрофида парвона. У етмиш йил ҳажга боришни орзу қилиб яшади. Йўлдош Турғуновнинг узоқ кутилган орзусини Ўзбекистон Президенти рўёбга чиқарди.

У ўзбек урф-одатига бинаоан бизни табассум билан кўзатиб. Тилида эса ҳаж фарзини адо этиш учун катта ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳақида дуолар қилди».

«Чавандоз 72 йилдан сўнг ҳаж зиёратига»

«Уруш фаҳрийси Зулулмбой Мадрохимов Сталинградда немис қўшинларини тор-мор этган жаңгчилардан. Фронтда уни чавандоз дейишарди. Ваҳоланки, у алоқачи бўлиб хизмат қилган. Ўз бурчига шу даражада фидойи эдики, душман миноси тушган жойдаги алоқа симларини улаш учун узоқ масофаларга эмаслаб борарди. Кейинчалик ҳайдовчилик қилди, пулемётчи бўлди.

Зулулмбой сафдошлари билан бирга 1945 йилда Берлингача борди. Ҳозир 96 ёшда. Она Ватанига қайтгани ва уйланишига 70 йилдан ошди. У шу йиллар давомида ҳаж қилиш умиди билан яшади. Бу йил унинг орзулари амалга ошди. Отаҳон Маккаи Мукаррамага етиб келганидан буён хурсандчилигидан ва Байтуллоҳни таваф қилган вақтдан бошлаб юрак муолажаси учун муҳалланган дориларини ичсини ҳам унутди. У ўзини соғлом ҳис қилмоқда, юраги эса бир маромада урмоқда.

Зулулмбой Мадрохимовнинг жасоратини мустақил Ўзбекистон муносиб тақдирлади. Отаҳон ҳаётидан мамнун. Давлати эътиборида, неваралар-чеваралари ардоғида яшамоқда. Улар бобоси билан фахрланган».

«Уруш фаҳрийси ҳаж қилиш учун уч маротаба ўлимдан омон қолди»

«106 ёшли Иброҳим Убайдулло уч маротаба ўлимдан омон қолган. Урушда махфий операциани амалга ошириш учун кетаётганда душман самолёти уларни ўққа тутди. Шунда жаңгчилардан фақат ўзи омон қолганини билиб Оллоҳга ҳамдлар айтди.

Навбатдаги муҳим топшириқдан жамоаси олдида қайтганида фақат унинг тирик қолганини қўриб командир ундан шўхаланади. Уни сўроқ қилиб турганида душман яна ўққа тутди. Немис мергани командирни ярадор қилади. Иброҳим Убайдулло иккинчи маротаба ўлимдан қутулиб қолади.

«Оллоҳ таоло менга узоқ умр бериб, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ҳамда Арофатда туришни насиб қилди», дейди Иброҳим ота.

Ёши улғу уруш фаҳрийси ўзбекистонлик ҳожилар билан Маккага келди. Ўзига, кексаларга кўрсатилган ғамхўрлик учун Президентини, давлатини дуо қилмоқда», дейилди газетда.

Бундай мақолалар кўп. Уларда Ўзбекистонда ислом дини ривожига катта эътибор қаратилаётгани, бу соҳада илмий-тадқиқот марказлари бунёд этилаётгани, мусулмонларга барча шароит яратилаётгани таъкидланган.

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ва Қурбон ҳайити кенг нишонланаётган шу кунларда Саудия Арабистонда ҳаж амалларини бажараётган зиёратчиларимиз кўнглида эса шукроналик. Мамлакатимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилишмоқда.

ЎЗА



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

СЕНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ, ВАТАН!

Пойтахтимиздаги 1-сон «Мурувват» интернат уйи ҳовлиси эрталабдан байрамона безатилган. Тарбиячилар, болалар мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган байрам тадбирига кўтаринки кайфият билан тайёргарлик кўришган.

Тадбир бошланишидан аввал ЎзХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар партия кенгаши вакиллари уларнинг сафига қўшилишди.

Партия Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов муассасадаги шароитлар билан танишди. Болалар, тарбиячилар билан суҳбатлашди. Муассаса раҳбари Азиза Жафорова бизни бинога кириш фойесидан ўнг тарафга бошлади.

— Мана бу ер болаларга уй шароитини эслатиб туради, — дейди Азиза Жафорова кўрғачлардан тўқилган сувайи кўрсатиб. — Улар билан тафтини, меҳрини ҳис қилиши керак. Биз ҳар доим шунга ҳаракат қиламиз.

Етоқ гуруҳига кириб бордик. Аравачада ўтирган Ирода бизни табассум билан қарши олди. Жажжи кўчаларини очиб дуо қилди.

Етоқ гуруҳидаги 90 нафар бола меҳрибон тарбиячилар, анагалар қарамоғида. Болаларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор қаратилади. Оқ ювиб, оқ тараб, ўз вақтида овқатлантирилади.

Қолган гуруҳ болалари ҳам меҳмонларни қўриб мамнун бўлишди. Болалар учун хоналар, ошхона, тиббиёт хонаси... Бино тўлиқ битказилгандан сўнг интернат тасарруфига ўтказилар экан.

Интернат раҳбари бизни яқинда қурилган янги бинога бошлади. Болалар учун хоналар, ошхона, тиббиёт хонаси... Бино тўлиқ битказилгандан сўнг интернат тасарруфига ўтказилар экан.

Фойенинг чап томонига юриб борар экансиз, миллий кўғирчоқлар, чол-кампири сопол хайкалчалар сизни табассум билан кўриб олади.

«Расмларда орзуларимиз...» Девордаги ушбу плакатда болалар чизган суратлар илган. Уларда байроғимиз, гербимиз, мустақиллик майдони, пойга гуллар қўйилган Бахтиёр она хайкали, кенг ўтлоқлар, қуёш ва ой тасвири акс эттирилган. Расмларга «Мустақиллик байрамимиз муборак!», «Тинчлигимиз абадий бўлсин!» «Сени яхши кўрамыз, Ватан!» сўзлари битилган. Мана — болаларнинг дилидаги истак-орзулар, мана — уларнинг кўнглидаги соф ниятлар! Тиббиёт бўлимидаги болаларни

дунё, табиат билан таништирадиган махсус хона алоҳида эътиборга молик. Уй ҳайвонлари, ёввойи ҳайвонлар, қушлар, дарахтлар макети, аквариум, океан ва жунгли тасвири болаларда табиат ҳақида таассурот уйғотиш, уларни кўриш, эшитиш имконини бераркан.

— Болалар бир кун денгиз билан танишишади, — дейди тарбиячи **Муҳаббат Каримбоева**. — Бошқа бир кун ёввойи ҳайвонлар ҳаётини ўрганишади. Балиқ тутишади. Буларнинг барчаси улар учун қизик ва фойдали.

Физиотерапия хонасида болалар саломатлиги, ходимлар масъулиятини ошириш масалаларида суҳбат бўлиб ўтди.

Яқинда муассасада болалар учун кўғирчоқ театри хонаси ҳам ташкил этилибди. Болаларнинг ўзлари тарбиячилар кўмағида турли сахна қўриқчилари намойиш қилишар экан.

Хуллас, шу кунги ҳаммамиз байрам тантанасини томоша қилдик. Болалар шеърлар айтишди, қўшиқлар қуйлашди. Жажжи йигит-қизчаларнинг рақсларидан қувондик. Уларга совға-саломлар улашилди. Умидбахш лаҳзаларда шоирнинг қуйдаги сатрлари ёдга тушади:

— Онанг ким десалар, онамдир Ватан!

Наинки онамдир, отамдир, Ватан!

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОНА — ЎЗБЕКИСТОННИ, ТИНЧЛИКНИ УЛУҒЛАБ

Пойтахтимиздаги Дўстлик боғида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишлаб «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари тақлиф этилди.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси ўринбосари К.Эшонқўжаев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов асос солган миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ўзаро аҳиллиқни кўз қорачиғидек асраш, ҳамятиятимизда ижтимоий барқарорлик, меҳроқибат, ҳамжихатлик муҳитини мустақамлашга оид ибратли саъй-ҳаракатлар бутун ҳам изчил давом эттирилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида миллий маданий марказлар фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар, дўстлик фестиваллари, фото ва бадий кўргазмалар ўтказилмоқда.

— Ўзбек мусиқа санъатига қизиқаман, — дейди Магдалина Ким. — Байрам учун ўзбекча қўшиқларни тайёрладим. Уларни тадбир иштирокчилари билан биргаликда, жўровоз қўлаганимиз қалбимда катта ҳаяжон уйғотди. Жонажон Ватанимиз равнақи, тинчлиги, фаровонлигига ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Миллий маданий марказларнинг истиқлол, она, Ўзбекистонимиз, тинчлик ва

дўстликни тараннум этувчи мусиқий дастури намойиш этилди. Турли миллат ва элат вакиллариининг маданияти, амалий санъатига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Норбоева сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Миллий матбуот
марказида

ТОМОРҚАДАН ОЛИНГАН ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА

**арзон уй-жой учун имтиёзли
ипотека кредити берилишига асос
бўладими!**

**«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик
тижорат банки томонидан ўтказилган
матбуот анжуманида шу ҳақда маълумот
берилди.**

Маълумки, 2009-2016 йилларда мамлакатимизда уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектларни барпо этиш борасида аниқ ва мақсадли ишлар бажарилгани боис қишлоқлардаги 83,5 мингдан ортиқ оиланинг яшаш шароити яхшиланди. Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори бу йўналишдаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур қарорга мувофиқ 15 минг уй-жой қурилиши кўтилмоқда. Шу боис қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, имтиёзли кредит беришнинг қулай шартлари жорий этилди. Шунингдек, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан фойдаланилаётгани уларнинг таннархи пасайишига хизмат қилмоқда.

2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини молиялаштиришга жорий йилда 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилади. Шу мақсадда ҳозир «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига 544,2 миллиард сўмлик маблағ ўтказилди. Бундан ташқари, жорий йил дастури бўйича Бухоро ва Наманган вилоятларида қурилаётган 2242 та уй-жой қурилишига Ислам тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан 40 миллион доллар жалб қилинди.

— Бир хонадонда 3 оила, яъни ота-она ва икки ўғил иштирок қилади. Улар давлат ишида ишламайдилар. Лекин кичик цех ёки ошхона, новвойи хонада ишлаб кунлик ёки ойлик маошини нақд пулда олади. Бунга ўхшаган оилалар қай тартибда арзон уй-жой олиши мумкин?

Саволимизга «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки раиси ўринбосари Алишер Муродов жавоб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги қарорига мувофиқ намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар, шу жумладан, арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун банк томонидан имтиёзли ипотека кредити маблағлари — қишлоқ жойда яшайдиган, қишлоқда уй-жой қурилиши учун ипотека кредити оладиган ва олинган суммани кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини қабул қиладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ажратилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда қайтарилиш, тўлиқлик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари билан қуйидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчи (биргаликда қарз олувчилар)га берилади:

— қишлоқ жойларда яшайдиган, ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

— доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятиндан доимий даромадга, шунингдек, ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлган шахсларга;

— барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг 15 (1-2-турдаги арзон уй-жойлар учун) ва 25 (майдони 0,04 га бўлган икки қаватли бирлаштирилган уй-жойлар учун) физики миқдоридан бошлангич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга;

— кредит ташкилотларидан кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.


Қўришиб турибдики, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар (шу жумладан, арзон уй-жойлар) учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратилишида ипотека кредити ажратилаётган фуқаро фақатгина давлат ташкилотидан ишлаши лозимлиги кўрсатилмаган.

Ўз навбатида фуқаролар томонидан ўзлари топаётган қонуний даромадлари тўғрисида декларация тақдим қилсалар, ушбу декларация маълумотномаси банк томонидан имтиёзли ипотека кредити ажратилишида фуқаронинг молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, худудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган томорқа хўжалигидан олинган даромад тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилган фуқароларга ҳам арзон уй-жой олиш учун имтиёзли ипотека кредити берилади...

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Шу кунларда 7 минг 300 дан зиёд юртдошимиз ҳаж ибодатини адо этмоқда.

ВАТАННИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ



GERMANIYANING GAMBURГ
ШАХРИДА БОКС БЎЙИЧА
ЎТГАН ЖАХОН
ЧЕМПИОНАТИДА
МАМЛАКАТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ
МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИБ,
ДАВЛАТИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК
БАЙРАМИГА МЕДАЛЛАР
ШОДАСИНИ COBFA ЭТДИ.



Жаҳон чемпионатида финалга чиқишнинг ўзи катта муваффақият. Тўрт нафар спортчимиз финалга йўлланма олгани Ўзбекистон бокс мактаби нуфузи баландлигини яна бир бор исботлади. Шаҳрам Ғиёсов (69 кг) юксак маҳорат ва матонат кўрсатиб, Куба боксчисини енгиб, олтин медалга сазовор бўлди. Унинг ғалабаси шарафига Ватанимиз байроғи энг юқорига кўтарилди.

Моҳир боксчимиз Ҳасанбой Дўсматов (49 кг) ол-

тин эмас, кумуш медалга сазовор бўлгани, Бектемир Мелиқўзиев (81 кг) бронза медал билан чеклангани ҳақамлар виждонига ҳавола...

Истеъдодли ёш боксчимиз Иқболжон Холдорев (64 кг) чемпион бўлишига озгина маҳорати етишмади. Жасурбек Латипов (52 кг) ҳам охириги раундда ташаббусни рақибига бериб қўйиб, кумуш медал билан тақдирланди. Санжар Турсунов (91 кг) эса бронза медалига сазовор бўлди.

Демак, боксчиларимиз бир олтин, уч кумуш, икки бронза медалини қўлга киритишди. Бу ғалабалар билан барча боксчиларимизни, уларнинг устозларини, Ўзбекистон бокс федерацияси жамоасини қутлаймиз. Чемпионат якуни тўғрисида газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида батафсил ҳикоя қиламиз.

БИРГИНА ШИРИН СЎЗ, БИР ЧИМДИМ ЭЪТИБОР

кўнгилларни кўтаради, дилларга малҳам бўлади

Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги ва муборак Қурбон ҳайити байрамлари муносабати билан Тошкент шаҳри ва туманларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳамда меҳнат фахрийлари учун меҳр-мурувват тадбирлари ўтказилмоқда.

Инсон кўнгли гулдан-да нозик, бир оғиз ширин сўз, бир чимдим эътибор унинг кўнглини тоғдай кўтариши мумкин ёки аксинча. Байрам арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қатор тақдирлар билан ҳамкорликда ўтказилган меҳр-саховат тадбирларини четдан кузатиб туриб, шулар ҳақида ўйлайдм.

Яшнобод туманидан келган 80 ёшли отахон — Миркомил Мираъзамов тўқимачилик корхонасида 30 йилга яқин раҳбарлик қилган экан. «Тадбирга мени шахсан таклиф қилишиб, яна машина ҳам юборишибди, — дейди у. — Файратим ичимга сиймай кетяпти. Қани энди, 20 ёшли йигитча бўлиб қолсам-у, Ватанимга фойдаси тегадиган ишларни қилсам...»

Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Роҳила Нишоновна фарзанди, 1-гурӯх ногирони Рухсорани аравачада олиб келибди. «Бормайман, десам, қўйишмади, бундай ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди, — дейди у. — Туманимизда ўтказилган тадбирда менга, фарзандимга совға-саломлар беришди, ҳомийлик ёрдами кўрсатишди, илоҳим, барака топишсин».

— Тадбирга шаҳар ва туманлардан 500 нафар ана шундай инсонлар таклиф қилинган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гурӯҳи аъзоси Фарида Абдурахимова.

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги, туманлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида фаолият юритаётган жамоатчилик назорати гурӯҳлари томонидан маҳаллаларда ва оилаларда, айниқса, эҳтиёжманд оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ўрганиб чиқилиб, хулосалар берилмоқда. Худудлардаги ижтимоий соҳа объектлари — таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият каби соҳалардаги муассасаларнинг аҳолига хизмат кўрсатиши билан боғлиқ фаолияти мониторинг қилиниб, аниқланган ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимли равишда олиб боришмоқда.

Буларнинг натижаси ўз самарасини бермоқда. Байрам арафасида

шаҳар бўйича 6 минг нафар инсон учун 11 туманда тадбир ўтказилиб, эҳтиёжманд, уй-жойга муҳтож, кам таъминланган оилаларга Президент нөмидан 25 фоизли имтиёзли арзон уйлар бериладиган бўлди, уларнинг ҳаммаларига совға-саломлар улашилди. Байрам кунлари ана шундай оилаларнинг 6 минг нафар фарзандлари шаҳар истироҳат боғларида яйраб дам олишди.

Даврада таниқли санъаткорлар, Алишер Эшонхўжаев раҳбарлигидаги «Санъат» гурӯҳи ижросида шўхсан куй-қўшиқлар янграйди. Юнусобод туманидаги 19-маданий уйининг Хусния Содикова раҳбарлигидаги «Дўстлик» болалар

Ғафуров, «Меҳнат шухрати» орденига муносиб кўрилган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик йиғилганларни байрам билан табриклади.

— Мен Ўзбекистонда туғилганман, шу тарихий Ватан фарзандиман, — дейди Галина Мельникова. — Чунки менинг тақдирим, фарзандларим, неварачавараларим келажаги шу муқаддас замин билан боғлиқ. Ҳеч қачон шу юрт равнақи учун югуриб-елишдан чарчамайман, ҳаётим бир умр Меҳрибонлик уйлари, хайр-саховат тадбирлари билан боғлиқ. Меҳрга муҳтож, ҳажжи болажонларимизнинг биргина табассуми барча чарқоқларимни аритиб юборади. Яқинда болаларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича АҚШда ўтказиладиган халқаро тадбирга таклиф қилишган, худо хоҳласа, унга ҳам бориб келаман.

— Ҳаммамизга мустақиллик байрами, Қурбон ҳайити айёми, бир-

сифатида қабул қилганмиз ва бир умр шу баҳорни соғиниб яшадик, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик. — Юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар халқ фаровонлигига, Ватан тараққиётига хизмат қиляпти, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига қилинаётган ғамхўрликлар мустақиллигимизнинг неъматидир, бугунги кунимизнинг шукронасидир.

— Ўтказилаётган бундай тадбирларнинг энг савобли томони — меҳр-мурувват амалларига бош-қош бўлиб турган инсонлар шу саховати билан жаннат қалитини қўлга киритди, деган гап. Мана, уйсизлар уйли-жойли бўляпти, адашганлар тавба қиляпти, шукрона келтиряпти, — дейди Тошкент шаҳар Бош имом-хатиби Анвар қори Турсунов. — Жамиятнинг ночор, муҳтож қатламга эътибор берилишидан, ғамхўрлик қилинишидан улугроқ савоб иш борми? Шундай қилайликки, бу инсонлар ҳар нафасда, ҳар қадамда бизнинг кўмагимизни, меҳр-мурувватимизни сезиб турсин. Шундагина уларнинг бағри бутун, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлади.

Дунёда инсон тўрт нарсани муқаддас тутмоғи керак: ўзи туғилиб ўсган озод юрт шаъни, эрк-ихтиёрига эга бўлмоқлик, амал қиладиган дини ва халолдан келган мол-мулк. Ана шулар бўлмас экан, инсон озод ва бахтиёр яшай олмайди.

Худоба бехисоб шукрим, озод Ватанда истиқомат қилаётганимиз, инон-ихтиёримиз ўзимиздалиги, ҳалол йўл билан молу мулк топишга барча дарвозалар очиб қўйилгани, дину-диёнатиимизга берилган эмин-эркинлик истиқлол ва тинчлик шарофати туғайли.

Қаранг, истиқлол йилларида неча минг-минглаб юртдошларимиз Маккаи Мунавварага бориб, ҳаж ва умра ибодатларини адо этиб келишди. Бу йил 7200 нафар юртдошимиз, қанча уруш ва меҳнат фахрийларимиз Ҳаж ибодатларини адо этишди.

Яратган барчамизга ушбу кунларни муборак қилсин, озод Ватанда абадий яшамок бахти келажақ авлодларимизга мерос бўлиб қолсин, тинчлик ва осойишталигимизга кўз тегмасин!

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



2 сентябрь кун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан Билимлар кун тадбирлари бўлиб ўтди.

ИБРАТ САБОҒИ

Шу кун барча мактабларда истиқлолимизнинг 26 йиллиги муносабати билан «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида «Мустақиллик дарси» ҳамда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» ўтказилди. Ушбу дарсларга адил ва шoirлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари кенг жалб этилди.

Бундан йигирма олти йил муқаддам она Ўзбекистонимизнинг янги тарихий даврга қадам қўйиши, халқимиз учун эркин, фаровон, ҳур ва озод даврнинг бошланиши буюк давлат ва жамоат арбоби, халқимизнинг суяклари фарзанди, мард ва қатъиятли инсон, Буюк Йўлбошимиз Ислам Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда мисли қўрилмаган ютуқларга эришилди. Ўзбекистонни дунё тан олди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида жамоатчилик, ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшларнинг фикр ва мулоҳазалари, таклифларини пухта ўрганиш, уларга таянган ҳолда иш кўришга тизимли ёндашилмоқда. Айни жиҳатларни халқимизнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда янги ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида 10-синфларнинг ташкил этилгани, ўқувчиларнинг интилишига қараб улар мактаб, коллеж, академик лицейларда таълимни давом эттириши учун яратилган шароитларда кўриш мумкин.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, 10-11-синфлар учун янги ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилиб, улар асосида 18 номдаги дарсликлар яратилди. Ўқув режага кўра 10-синф ўқувчилари ҳафтада беш кун умумтаълим фанларини ва бир кун касбга оид фанларни ўрганиши белгиланди. Педагог кадрларга бўлган эҳтиёж олий ўқув юрлари битирувчилари, академик лицей ва коллежлар фан ўқитувчиларини жалб этиш ҳамда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг дарс юкламасини ошириш ҳисобидан қопланмоқда.

Бу йил 482 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлаш жараёнида улардаги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини пухта ўрганиш, мавжуд камчиликларни маҳаллий ҳокимликлар ва тегishли ташкилотлар билан биргаликда

ҳал этишга жиддий эътибор қаратилди.

Ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш мақсадида бу йил ахборот-ресурс марказлари ва умумтаълим мактаблари кутубхоналарига 28 номдаги 1,2 миллион бадиий адабиётлар, энциклопедиялар ва ранг-баранг маърифий китоблар етказилди.

Бу йил 1-синфларга қабул қилинган 650 мингдан ортиқ ўқувчи учун «Президент совғаси» — 12 номдаги ўқув қуроллари солинган мактаб сумкалари тайёрланиб, жойларга тўлиқ етказилди. Улар мактабга илк марта қадам қўйган ўғил-қизларга тантанали топирилди.

...Барча таълим масканларида бўлгани каби пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 153-мактабда ҳам илк сабоқ самимий руҳда бўлиб ўтди. Ўқувчиларга Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, бугунги ҳур ва озод, бахтиёр кунларимиз не-не машаққатли ва оғир синовлар, мураккабликлар эвасига қўлга киритилгани кенг ва атрофлича тушунтирилди.

— Бугунги ёшларга бундай тинч ва осуда, фаровон, тўқин, саодатли ҳаёт одатий ҳолдек туюлади, — дейди мактаб директори Фотима Эргашева. — Ваҳоланки, истиқлолимизни қанчадан-қанча аждодларимиз орзу қилган. Ёруғ кунларимиз Биринчи Президентимиз, халқимизнинг қатъий аъзи шижоати, машаққатли меҳнати, қийинчиликларни мардона енгиб ўтгани эвасига келганини ёшларга оддий, самимий тарзда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириш, ёш авлодда шукроналик, Ватанимизга, аждодларимизга муносиб-лик, масъулият туйғулари шакллантириш педагогларнинг инсоний, касбий, ҳам фуқаролик бурчи саналади.

Ўқувчилар билан самимий мулоқот тарзида ўтказилган «Мустақиллик дарси» қанчадан-қанча аждодларимиз тарихий, маънавий асослари, бу йўлда кўрсатилган чинакам маънавий жасоратлар, Ватанга садоқат, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилишдек эзгу интилишлар Биринчи Президентимизнинг ибрат бўлишига аризулиқ ҳаёт йўли, фаолияти мисолда баён этилди. Улуғ инсон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган фильм ўғил-қизларнинг Ватан, истиқлол, тарихий қадармонлар ҳақидаги фикрини янада тёранлаштирди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2017 йил 26 август, 105-сонидан берилган Миллий банк «Олтин қуш» омонатининг бошланғич бадали минимал миқдори 500 000 сўм, деб ўқилсин.

МУАССИС:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzilli: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938

9025

nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 21:30

Topshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 5 6



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI